





**Она табиат саховатию, деҳқонлар қалб қўридан жаннатмакон бўлган ўлкамиз боғ-роғларида айни пишиқчилик. Болга тўлган гилосу ўрик, шафтолию олмалар пешма-пеш терилиб, эл дастурхонига етказиб берилаётир. Орджоникидзе ноҳиясидаги «Қибрай» давлат хўжалиги боғларига ташриф буюрган киши бунинг гувоҳи бўлади. Тиғиз пайтда хўжалик меҳнаткашларига ёрдамга келган Чирчиқдаги 14-болалар уйининг тарбияланувчилари етилган ҳосилни тез ва соз йиғиб олишда фидойилик кўрсатмоқдалар.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Кунига 40—50 килограммдан мева териб, тенгқурларига ўрнак бўлаётган В. Ғойипов ва Р. Саитов. 2. Кўп йиллардан бери боғда самарали меҳнат қилаётган Хотира опа Дусибоева ва совхоз директори ўринбосари Обиджон Султонов ҳосилдан мамнун. 3. Гилос шодаси.**

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

# УЛЛИ ШЎРКЎЛ КЎМАККА МУҲТОЖ

Икки саҳро оралиғида жойлашган Хоразм воҳаси ўзига хос гўзалликка эга. Унинг қоқ ўртасидан оқиб ўтувчи Амударё бу чиройга бетакрор латофат бағишлайди. Қадимги ўзанлар ўртасида пайдо бўлган кўллар ана шу гўзалликни тўлдирувчи безаклардир.

Кейинги йилларда мазкур кўлларнинг кўпчилиги йўқолиб кетди. 500 га яқин кўлдан 80 тача қолди, холос. Уларни ҳам яхшилаш, тартибга солиш, атрофларини кўтариб, сув оқизиш даркор. Кўлларнинг кўпчилиги йўқолиши оқибатида табиат қашшоқлашди.

Ҳозир Қорақум этакларининг Хоразм вилояти жанубида бир неча кўллар борки, уларни кўз қорачиғидек асраш давр тақозоси бўлиб қолди. Шулардан бири Янгиариқ ноҳияси ҳудудидаги Улли Шўркўлдир. Узунлиги 15 километрча, эни 5 километрча масофани қамраб олган бу сув ҳавзаси 2200 гектар майдонни ташкил этади. Энг чуқур жойи 9 метр. Уни «Озерний» зовури сув билан таъминлайди.

Ота-боболаримизнинг айтишларича, Шўркўл бўйлари сўлимлиги билан машҳур. Унинг яқин йиллардаги тарихига назар ташласак, табиатнинг оромбахш бурчаги эканлигидан огоҳ бўламиз. Масалан, 1976—1978 йилларда мутахассислар кўп балиқларни синчиклаб ўрганишди. Ўшанда лаққалар узунлиги 140—240 сантиметр, оғирлиги 15—60 килограмм, зоғорабалиқлар — 65—70 сантиметр, оғирлиги 3—5 килограммдан, хумбош, оқ амур балиқлари эса 15—20 килограммдан чиққан. Шунингдек, бошқа хил луқмаи ҳалоллар ҳам кўпайган.

Бир пайтлар ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш учун бу ерда дахлсиз минтақа ташкил этилганди. Аммо 1979 йил ёзида вилоят ижроия қўмитасининг қарори билан Улли Шўркўл Хоразм балиқчилик комбинати ихтиёрига ўтказилгач, унинг ҳудудида табиат мувозанати бузила бошлади. Корхона ишчилари балиқ овлаш ҳажмини беш баравар оширдилар. Кўлга ҳар йили 6—7 марта тўр ташланиб, сув ости ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига катта зиён етказилди. Айрим жойлар дамбалар билан тўсилди. Қирғоқларга сунъий тарзда ўзгаришлар киритилиб, табиий гўзаллиги йўқ қилинди. Ўтган йилнинг ўзида Шўркўлдан 3 минг центнер балиқ овланди. Натижада кумуш маржонларнинг баъзи турлари йўқ бўлди ёки йўқолиш арафасида. Кўпчилиги кичиклашиб, маҳсулдорлигини йўқотди. Сувда туз миқдори 3—4 баробар кўпайди. Бу эса ўз навбатида мавжуд балиқларнинг яшаш шароитини қийинлаштирди. Кўл чучук сув билан таъминланмаса, бу жараён кучайиб, ҳайвонот дунёси барбод бўлиши мумкин.

1988 йил ёзида ўтказилган текширишларга қараганда овланган балиқларнинг 50 фоизи талабга тўғри келмади. Эндиликда кўлда лаққа, зоғорабалиқ, оқ амур, чўртан, сўян каби луқмаи ҳалоллар камайиб кетди. Кўлни қушлар ҳам тарк этмоқда.

Маълумки, Улли Шўркўл қум этагидаги кўпгина кўллар ва бошқа сув ҳавзалари билан зовурлар орқали боғланганлиги туфайли ўша манбалардаги кўпгина балиқлар кеч кузда сув камайиб, бу ерга келиб қишлайди. Бироқ ундаги муҳитнинг бузилиши уларнинг қишлашини қийинлаштиради. Демак, Улли Шўркўлга эътибор бериш воҳа жанубидаги кўпчилик сув ҳавзаларининг ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш имконини беради.

Улли Шўркўлдаги аҳволни тубдан яхшилаш учун, бизнингча, қуйидаги тадбирлар кўрилиши зарур. Уни Хоразм балиқчилик комбинати ихтиёридан давлат ва жамоатчилик муҳофазасига ўтказиш, ов қилишни маълум вақтгача тақиқлаш даркор. Кўл табиати мувозанатини тиклаш учун бошқа қатор ишларни ҳам амалга ошириш талаб этилади. Чунончи, вилоятнинг Боғот ноҳиясига жойлашган Қалажиқ кўллари тармоғидаги Ёлдировуқ, Хўжакўлган, Тўққизчақир, Боғотли, Оқкўл, Ҳовузкўл, Найманкўл, Хажжали сув ҳавзаларини Янгиариқ ноҳиясидаги Зейкўл, Обкўл, Оқсув, Бўлиётоқ билан туташтириб, Улли Шўркўлга улаш қатор муаммоларни ҳал қилади. Кўлнинг сув сатҳи 1—1,5 метр кўтарилади. Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси қайтадан ривожлана бошлашига имконият яратилади. Куз ойларида вилоятнинг бошқа вақтли сув манбалари, шолизорларда пайдо бўладиган ёш чавоқ балиқларни қўйиб юбориш мақсадга мувофиқдир.

Ҳа, Хоразмнинг бу ноёб кўлини сақлаб қолиш, олдинги ҳолатига қайтариш учун унга шошилинч ва амалий кўмак керак. Вилоят партия, совет, хўжалик ташкилотлари, кенг жамоатчилик вакилларини бу фикрни қўллаб-қувватлашга чақирамиз. Бу билан келажак авлодларимиз олдидаги бурчимизни бажарамиз, табиат бойликларини асраб, уларга инъом этамиз.

**А. МАТЕҚУБОВ,**
**Хоразм вилояти табиатни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи.**
**Б. ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**В. И. Ленин номли Хоразм давлат педагогика олий илмгоҳининг биология кафедраси мудири.**
**О. СОТЛИҚОВ,**
**вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг етакчи мутахассиси.**

# СОДИҚ ЙЎЛДОШ

Қулунни парвариш қилиб, уни от даражасига етказиш осон иш эмас. Агар бунга эришган бўлсангиз, ўзингизни омадли киши, деб ҳисоблашингиз мумкин. Негаки, шундай одамгина от боқишга қодирдир.

Суратда от миниб турган Жумақул Содиқов ҳам жониворга илк бор яқинлашганида бир кун келиб, арғумоқ ўзига ўрганишига ишонмаганди. Ўшанда от бир ерда жим турмас, депсиниб, ўзини ҳар ёққа ташлар, белига эгар-жабдуқ қўйишларига имкон бермасди.

Қисқаси, Жумақул отни ўзига ўргатиши учун кўп ишлаши лозим эди. Мана энди у серташвиш кунлар орқада қолди. Кўкар (отнинг номи) содиқ дўст бўлиб етишди. Иккиси эртадан кечгача бирга юришади. Отарларни айланишади, қўй боқишади. Жумақул бунга қандай эришганлигини кечқурун яйловда гулхан атрофида суҳбатлашиб ўтирган пайтимизда айтиб берди.

Тойчоқни дала ишларига ёки пойгаларда қатнашишга қандай ўргатиш мумкин? Маълумки, бизнинг жойларда қулунлар олиш асосан апрелда содир бўлади. Ҳозир улар икки-икки ярим ойлик бўлиб қолишди. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бу иш тоза, ёруғ ва кенг биноларда ўтказилиши керак. Унга тайёргарлик даврида отхона тозаланиб, зарарсизлантирилади, деворлар оқланади. Байтал яхши, вақтида озиқлантирилади, сайр эттириб турилади. Бу келгусида қулунлаш яхши ўтишини, байтал сути кўп бўлишини таъминлайди. Соғлом ва бақувват қулун туғилганидан кейиноқ она сутини эмишга ҳаракат қилади. Агар нимжон бўлса, унга онасини эмишда кўмаклашиш даркор. Она сути бу даврда ниҳоятда тўйимли, қулун учун зарур моддаларга бой бўлади.

Агар байтал камсут бўлса, у ҳолда сигирдан фойдаланиш мумкин. Аммо мол сути ёғлироқ бўлиб, таркибида қанд кам. Шу боис қулунга бериш олдидан унга илиқ сув ва қанд қўшиш лозим.

Қулунни дастлабки икки ойлик даврида икки соатда бир марта овқатлантириш, сўнгра бу ишни кеча-кундузда тўрт-беш мартага тушириш керак. У 35—40 кунлик бўлганда майдаланган озуқаларга (сули, арпа) ўргатилиб, кунига 150—200 граммдан дон берилади. Бу миқдор аста-секин кўпайтириб борилади ва тойчоқ онасидан ажратиб олинадиган пайтга бориб 2—3 килограммга етказилади.

Барра ўтлар пайдо бўлиши билан байтал ва қулунни яйловда узоқроқ сақлаш керак. Улар ўтлоқларда кўк майсаларни еб, касалликларга чидамли бўлиб, тез етилади.

Нимжон туғилган қулунларни намликдан, елвизакдан эҳтиёт қилиш, очиқ ҳавода сайр эттирилганда уларнинг ҳўл ерларга ётишига йўл қўймаслик зарур. Об-ҳаво ўзгариб, ёғин-сочин бўлган кунларда онаси билан отхонада қолдириб, тўшамалари алмаштирилади. Бундай қулунлар беш кунлик бўлгандан кейингина кунига 20—30 дақиқа сайрга олиб чиқилади, шундан кейин бу кўрсаткич кундан-кунга узайтирилиб борилади.

Тойчоқлар беш-олти ойлик бўлганидан сўнг оналаридан дарҳол ажратиб олиниши лозим. Ҳар куни танаси тозаланади.

Онасидан ажратиб олинган қулунни озиқлантириш бир маромда бўлиши, пичан, сабзи, сули, арпа, маккажўхори берилиши, уларга туз албатта, қўшилиши (кунига 15 граммдан) керак.

Йўрғоқ отлар тойчоғи бир ёшлигидан эгар-жабдуққа ва унда юришга ўргатилади. Машқлар эса бир ярим ёшлигидан бошланади.



Жумақул миниб олган от уч ёшга етганидан сўнг далага олиб чиқила бошланди. Ҳозир у беш яшар бўлиб, чўпоннинг содиқ ёрдамчиси бўлиб қолди.

А. ЎРМОНОВ.



# Табиат ва инсон

## ДАРМОНДОРИГА БОЙ

Мевазор боғларимизни олма дарахтисиз тасаввур қилиш қийин. Серхосият бу ўсимлик таърифига бир саҳифа озлик қилади. Олма хушхўр ва хуштаъм мева бўлибгина қолмасдан, қатор хасталиклар davоси сифатида қадим-қадимдан фойдаланиб келинади. Масалан, халқ табобати амалиётида сурункали бод, овоз бўғилиши, ошқозон-ичак хасталикларини даволашда беозор омил сифатида фойдаланишга тавсия этилади. Шунингдек, пешоб йўлидаги тошларни парчалаш хосиятига эга.

Ҳозирги замон тиббиётида олманинг шифобахш хоссаларидан тадбиркорлик билан фойдаланилади. Ич кетиш ва бошқа ичак шиллиқ пардасининг яллиғланиши билан боғлиқ хасталикларда олмали парҳез фойда бериши аниқланган. Бу мевани хуш кўрувчилар, уни муттасил истеъмол этувчи кишилар ниқриз касаллигига кам чалинадилар. Олма камқувват кишиларга мадор бағишлайди, микробларга қирон келтиради, қон ҳаракатини маромга солади, мия ҳорғинлигидан холи қилади, паришонхотирликка барҳам беради.

Олма танага кальций моддасини ўзлаштиришда ёрдам беради, суяк тўқималарининг мустаҳкамлигини оширади, терини тиниқлаштиради, сочларнинг қайишқоқлиги ва жилодорлигини оширади, юрак мушакларини бақувват қилади. Семизликдан фориғ этувчи неъмат сифатида тавсия этилади.

Бунинг боиси шуки, олма таркибида бир қанча фойдали моддалар бор. Чунончи, 15 фоизгача қанд (фруктоза, глюкоза, сахароза кўринишида), табиий жавҳарлар, клечатка, пектин, темир, калий, марганец, мис, кобальт каби микроэлементлар, C, $B_1$, $B_2$, PP дармондорилари мавжудлиги аниқланган.

Олмани саломатлик ёмбиси деганларича бор. Унинг кўчатини экиб, мевасидан баҳраманд бўлганлар соғлик хазинасининг соҳибидирлар.

**М. НАБИЕВ,**
**доришунос.**

# КЎРИНМАС ҲАШАРОТ

Ер юзида ҳашаротларнинг тури ва сони кўплиги, ранго-ранг бўлиши, катта-кичиклиги ҳайратда қолдирмай қўймайди. Ҳисоб-китобларга қараганда ҳозир куррамизда бир миллион уч юз мингдан кўпроқ турдаги ҳашарот учрайди. Улардан бири қирчумолидир. Жумҳуриятимизда уларнинг икки хили — Катта Каспий орти ва Туркистон қир чумолиси учрайди. Бу жониворлар етказаётган зарар йилига бир неча юз минглаб сўмни ташкил этади.

Айниқса, Туркистон қирчумолиси аҳоли яшайдиган жойларга, иморатларга катта зиён етказади. Вилоятларда аҳоли бу зараркунандани ҳар хил ном билан қирчумоли, сариқ, баъзи ерларда оқ чумоли, сариқ қумурсқа деб атайди. Рус олими Г. Г. Якобсон 1904 йилда Ховос шаҳри атрофидан топган ҳашаротни тур сифатида биринчи марта фанга киритган, унга Туркистон қирчумолиси деб ном берганди. У энг қадимий ҳисобланиб, ер куррасида 400 миллион йил муқаддам пайдо бўлган. Улар жамоа-жамоа бўлиб яшаши, шунингдек тана тузилиши жиҳатидан оддий чумолиларга жуда ўхшаб кетади. Фарқи шундаки, қирчумолилар доимо лойдан уя ясаб, қоронғиликда ҳаёт кечиради. Танасининг ранги оч-сариқ, бош қисми жигарранг бўлиб, оддий турларига нисбатан йўғонроқ. Инсониятнинг табиатга нотўғри муносабати оқибатида, улар яшаб келган чўлларнинг ўзлаштирилиши сабабли қирчумолиларнинг ҳам яшаш тарзи ўзгарди. Ҳозирги кунда кузатишларимиздан маълум бўлдики, жумҳуриятимизнинг айрим шаҳар ва қишлоқларидаги иморатларда ишлатилган ёғочлар катта зарар кўрган. Айниқса, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари ҳудудида бу яққол кўзга ташланади. Риштон райони марказидаги баъзи кўчалар, Куйбишев номли жамоа хўжалигининг Оқер қишлоғидаги айрим уйларга қирчумолилар шикаст етказган.

Каттақўрғон райони ҳудудидаги Енбош, Жизмон, Ингичка, Хатирчи районидаги Майлон, Пачир, Сангитуман, Советобод районидаги Жарқудуқ, Улус, Сарикўл қишлоқларида, Самарқанд шаҳридаги Ангор кўчасида жойлашган кўпгина уйларни ушбу офат зараркунанда шу қадар зарарлаганки, айримларида яшаш мумкин эмас.

Жом қишлоғида яшовчи Саъдулло Ёқубов қирчумоли дастидан эски уйини бузиб, янгидан қурган экан. Кузатишлардан маълум бўлдики, орадан 5—6 йил ўтгач, янги уй ҳам яна ўша кўзга кўринмас ёғоч зараркунандаси дастидан кучли зарарланибди. Каттақўрғон районида яшовчи жизмонлик Абдураҳим Акбаровнинг молхонасида ҳам шундай аҳвол юз берган. Дара қишлоғида истиқомат қилувчи Барноқул Номозов, Эсиргап Йўлдошевлар ҳам бу зараркунандадан безор.

«Ҳашаротнинг иморатларда бор ёки йўқлигини қандай аниқлаш мумкин?». «Уларга қарши қандай чораларни кўриш керак?», деган саволлар муштарийларни қизиқтириши турган гап.

Одатда уларнинг зарари уйлар емирилганда ёки қулаб туша бошлаганда билинади. Қирчумолиларнинг иморатларда борлиги-йўқлигини аниқлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим.

Ҳовли атрофига, яъни биноларга, деворларга, дарахтларга, симёғочларга, шунингдек эшик ва дераза кесакиларига қирчумолилар борлигини кўрсатувчи белгилар қўйиш керак. Қирчумолилар борлигини билишнинг энг қулай пайти ер юзига озуқа йиғиш учун гала бўлиб чиққан вақтидир. Ёки қанотли чумолиларнинг, яъни янги оила бунёдкорларининг ёппасига эски оилани тарк этиш чоғидир. Ёмғирдан сўнг майин шамол эсганда инидан учиб чиқиб, эркак ва урғочиси баландликда жуфтлашиб, янги оила ташкил этишади. Уялари атрофини кузатиб, тарқалишларига қайноқ сув, нефть маҳсулотлари қуйиш йўли билан йўл қўймаслик, улар яшайдиган жойларга экологик тоза кимёвий моддалар билан ишлов бериш, ерни 15—20 сантиметр чуқурликда ағдариш лозим. Қирчумоли ин-уялари кўп бўлган ташландиқ ерлар, кучли зарарланган уйлар иложи борича текисланиб, муҳитни ифлос қилмайдиган тоза кимёвий дорилар билан ишлов берилиши ва кўллатиб суғорилиши керак.

Қирчумоли кўпайган хавфли даҳаларда иложи борича хонадонлар ва корхоналарда санитария-гигиена тозалик қоидаларига эътиборни кучайтириш лозим. Зарарланган ёғоч ва ундан тайёрланган ҳар хил материалларни янги қурилаётган иморатларга ишлатмаслик лозим.

Қирчумоли тарқалган вилоятларда, янги қурилаётган даҳаларда шахсий ва маъмурий биноларни синчли қилиб қуриш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки қанча кўп ёғоч ишлатилса, қирчумолига озиқ-овқат манбаи шунча кўп яратилган бўлади.

Иморатлар пойдеворини 1—1,5 метр баланд қилиб қуриб, пишиқ ғишт билан давом эттириш зарур. Пол ердан 50 сантиметр юқори бўлиб, ости бетон қилинса, талабга жавоб беради.

Юқорида тавсия этилган экологик усуллар қирчумолининг тарқалиш доирасини 2—3 марта камайтиради. Оқибатда уйлар ва маъмурий биноларнинг зарарланиши анча камаяди.

**А. НАМОЗОВ,**
**илмий ходим.**

# СУВГА ТУПУРИШ ГУНОҲИ АЗИМ

***Аждодларимиз шундай деб ҳар кимнинг қулоғига қуйганлар.***

***Ҳозирги пайтда обиҳаётга чиқиндилар ташланишига нега бефарқ қараяпмиз?***

Булунғурликлар боғ-роғларга бурканган ўлкада истиқомат қилаётганликларидан фахрланишса арзийди. Самарқанд вилоятининг дашт қисмида жойлашган бу район табиатининг гўзаллиги, ноёб табиий-иқлим шароити, мусаффо ҳавоси-ю, экин майдонларининг серҳосиллиги билан бошқа жойлардан кескин фарқ қилади. Унинг бепоён яйловлари ғарб томондан Ғўбдин тоғи этакларига, шарқ тарафдан эса Туркистон тизма тоғлари ён бағрига туташиб кетган. Жанубдан Ургут тоғларининг пурвиқор чўққилари кўз-кўз бўлиб туради.

Ҳудуди сув шохобчаларига сероб. Булар орасида Зарафшоннинг ирмоқларидан бири Булунғур ариғи алоҳида ўрин тутади. Табиий булоқлардан ташкил топган Қорасувнинг зилол, тиниқ суви шифобахшлиги билан машҳур. Бу ернинг табиий шароити айниқса, мева, узум етиштириш учун қулайдир. Самарқанд вилояти бўйича етиштирилаётган ноз-неъматларнинг салмоқли қисми булунғурликлар зиммасига тушаётганлиги ҳам фикримиз далилидир. Соҳибкорлар етиштираётган узум ва меванинг қандлилик даражаси ҳам баланд. Ҳа, булунғурликлар ноз-неъмат бунёдкорлари бўлиб юртга танилган. Бироқ, ҳозирги кунда бу ўлканинг табиий гўзаллиги, ноёб иқлимини соф ҳолда сақлашга, сув манбалари, яшил бойликлари, ҳайвонот оламини, қанотли дўстларимизни муҳофаза этишга етарлича аҳамият берилмаяпти. СССР Олий Кенгашининг 1989 йил 27 ноябрда қабул қилган «Мамлакатни экологик соғломлаштиришнинг кечиктириб бўлмайдиган тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг районда мақташга арзигулик ишлар амалга оширилмади.

Ҳамма жойларда бўлгани каби Булунғурда ҳам сув манбаларини муҳофаза этиш қониқарсиз аҳволда. Буни Булунғур ариғи ва бошқа обиҳаёт ҳавзалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бир пайтлари Булунғур ариғи бўйларида истиқомат қилган ота-боболаримиз унинг атрофларида, ён бағирларига сон-саноқсиз мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазишган. Ҳозир эса илгариги файз-тароватдан асар ҳам йўқ десак бўлади. Ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги туфайли қачонлардир экилган турли хил манзарали дарахтлар шафқатсизларча кесиб кетилаяпти. Янгиларини ўтқазиш эса ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти. Ўтлоқлар пайҳон қилинаяпти.

Булунғур вино заводида тозалагич иншоотларининг йўқлиги сабабли 1 ва 2-цехлардан чиқаётган чиқиндилар тўғридан-тўғри Булунғур ариғига оқизилаяпти. Биргина 1990 йили атроф-муҳитни ифлослантираётганлиги учун завод 6.300 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. Шунга қарамай унинг раҳбарлари тозалаш иншооти қуришни ҳанузгача хаёлларига келтиришмаяпти.

Красногвардейск вино комбинати маъмурияти ҳам сув манбалари булғанишининг олдини олишга бефарқ қараяпти. Бу ерда чиқиндиларни тозалашга хизмат қилувчи биологик қурилма бўлишига қарамай ундан оқилона фойдаланиш йўллари қидириб топилмаяпти. Натижада у бутунлай яроқсиз бўлиб қолди. Цехлардан чиқаётган чиқинди сувлар (таркибида турли хил кислоталар, тез эрувчи зарарли моддалар бор) бетонлаштирилмаган ҳавзаларга оқизилмоқда. Улар ўз навбатида ер ости сувларини, ариқларни булғаяпти.

«Красногвардейский» давлат хўжалигида жойлашган Килдон консерва заводининг ташландиқлари ҳам шу ерлик меҳнат аҳлининг жиддий эътирозларига сабаб бўлаётир. Бу бежиз эмас, 1988 йили корхона ташқарисида ҳашар йўли билан 2 та 600 куб метрлик бетонлаштирилган ва шунча 750 куб метрлик оддий ҳавзалар барпо этилганди. Афсуски, чиқиндиларни тозалашга мўлжалланган бу қурилмалар кутилган самарани бермади. Мавсум кезлари заводдан кунига 600 куб метр ҳажмдаги чиқинди сувлар уларга оқизилмоқда. Бироқ қурилмаларнинг носозлиги сабабли тозаланмасдан завод ёнидаги ариқларга йўналтириб юборилаётир. Пировардида шохобчалардаги обиҳаёт истеъмолга яроқсиз бўлиб қолмоқда. Чунки бу сувлардан экинларни суғоришда фойдаланаётган Беруний номли, «Красногвардейский» ҳамда «Правда Востока» давлат хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотларда нитрат миқдори кўпайиб бораяпти. Яна бир ташвишли томони, чиқинди оқавалар ер ости сувларини, ўсимликларни заҳарламоқда.

Атроф-муҳит мусаффолигини таъминламаётганлиги учун завод директори ҳамда бош муҳандисига бир неча бор жарима солинди. Ҳатто 1989 йили ёз ойларида корхона фаолияти тўхтатиб ҳам қўйилди.

1990 йили кунига 1400 куб метр миқдордаги чиқинди сувларни биологик усулда тозалашга мўлжалланган (умумий қиймати 315 минг сўмлик бўлган) иншоот қурилиши бошланган эди. Ўтган йили унинг асосий қисми битказилиши кўзда тутилганди. Лекин завод ҳамда пудратчи қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг беғамлиги оқибатида бор-йўғи 29 минг сўмлик иш бажарилди, холос...

Район таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхонаси цехларидан кунига 30 куб метрга яқин чиқинди сув бетонлаштирилмаган ҳавзага оқизилмоқда. Красногвардейск автобус-таксомотор паркида ҳам шундай манзарага дуч келиш мумкин. Бу ерда автобус, таксиларни ювиш чоғида ишлатилган сувларни тозалайдиган махсус қурилма йўқ. Оқибатда таркибида ёнилғи-мойлаш материаллари, турли хил зарарли моддалар бўлган чиқиндилар ер сатҳига сингиб кетаяпти.

«Российский» давлат хўжалиги фермасида айни пайтда 14 минг бошга яқин чўчқа боқилаяпти. Ачинарли томони шундаки, бу ернинг чиқиндилари ҳам ҳар қайсиси 20 минг куб метрлик ҳажмга эга бўлган 3 та бетонлаштирилмаган ҳавзага ва сойликка тушаяпти.

Район ҳудудидан оқиб ўтаётган Қорасув ариғининг тақдири аянчли аҳволда. Табиий булоқлардан ташкил топган бу ариқ илгарилари серсув бўлган. Унинг бўйларида Наврўз байрами ва бошқа халқ сайиллари ўтказилган. Бугунги кунга келиб эса Қорасув ариғининг асосини ташкил этувчи булоқлар ташландиқ жойга айланиб қолди. Ариқнинг булоқлар бошланадиган «Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги» давлат хўжалиги ҳудудидаги Бешбола қишлоғидан то Митангача бўлган томонга назар солган киши бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилади. Мана шу тарафида айни пайтда булоқлардан ном-нишон ҳам қолмаган. Қорасувга эса муздек тиниқ обиҳаёт ўрнига оқава лойқа сувлар оқиб тушаяпти. Улар қолган-қутган булоқлар кўзини ҳам бекитиб қўймоқда. Балиқ ва бошқа жониворлар қирилиб кетаяпти. Бир вақтлари ота-боболаримиз ўтқазган тол, терак, мажнунтол ва шунга ўхшаш манзарали дарахтларни айрим кишилар аёвсиз равишда қирқиб кетишиб, иморатларига ишлатишаяпти. Ариқни бульдозерлар билан тўсиб, балиқ овлашаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Табиат ўз қўйнида яшаб туриб, кўксига аёвсиз ниш ураётган мана шундай тартиббузарларни кечирармикан?!

Атроф-муҳит қонун йўли билан муҳофаза қилинаётганлигига қарамай оқар сувлар бўйларида истиқомат қилаётган айрим кишилар ариқлар, каналлар ёқаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олмоқдалар. У ерларга молхона, ҳаммом ва бошқа иморатлар қуришиб, уларнинг чиқиндиларини тўғридан-тўғри ариқларга оқизишаяпти. Улар ҳам қишлоқларининг оқар сувлардан истеъмол қилишаётганликларини наҳотки унутиб қўйишган бўлса.

Район маркази — Красногвардейск шаҳрининг ҳуснига доғ бўлиб тушаётган, шаҳар ҳавосини бузаётган яна бир ташландиқ жой ҳақида тўхталиб ўтиш зарур. Бу шаҳар ҳудудидан ўтаётган Катта Ўзбек тракти ёқасидаги кенг сойликдир. Унга кўзи тушган ҳар бир киши бу ер шаҳардаги энг катта ахлатхона бўлса керак, деган хаёлга боради. Шу атрофда истиқомат қилаётган хонадонлар унга турли хил чиқиндилар, ҳаттоки молхоналар гўнгларини ҳам тўкишаяпти. Натижада кун исиши билан бу ердан қўланса ҳид тарқалади. Ахлатхонадаги пашшаларнинг яқин атрофдаги хонадонлар, болалар боғчалари, билим даргоҳларига келиб, турли хил юқумли касалликлар тарқатмаслигига ким кафолат бера олади? Наҳотки район санитария-эпидемиология станцияси ходимларининг нигоҳи бу нохуш манзарага тушмаган бўлса?

Булунғур район табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва кенгаши ходимлари оқар сувларни булғаётган, ариқ бўйларидаги дов-дарахтларга қирғин келтираётган кишиларга қарши кескин кураш олиб бормоқдалар. 1990 йил мобайнида яшил бойликларни топтаган 44 шахсга 1.705 сўм миқдорида жарима солинди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Булунғур ўзига хос табиий-иқлим шароити, мусаффо ҳавоси-ю, боғ-роғлари, серсув булоқлари, ариқлари билан бошқа районлардан тубдан фарқ қилади. Шундай экан, унинг яшил бойликларини, ҳайвонот, наботот оламини авайлаб асраш, экин майдонлари тупроғини шамол таъсирида емирилишдан ҳимоя қилиш, йўқолиб бораётган булоқлар кўзини очиш келажак авлод олдидаги муқаддас бурчимиздир.

**Л. ИБРОҲИМОВ,**
**Булунғур район табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг катта назоратчиси.**
**Х. ҚОСИМОВ,**
**СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.**

